



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 06 | pp. 204-212 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ АМАЛИЁТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



Юсупов Азиз Шухратович

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларида валюта операциялари амалиётини шакллантиришнинг назарий асослари ҳамда мавжуд муаммолар таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада валюта операциялари ва банк секторининг рентабеллиги ўртасидаги боғлиқликни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фойдаланишни жорий этишдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: валюта, валюта тизими, валюта операциялари, тижорат банклари, валюта курси, молиявий операциялар, тижорат брокерлари, валюта сиёсати, валюта айрибошлаш, фоиз ставкалари, левераж, рентабеллик.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПРАКТИКИ ПРОВЕДЕНИЯ ВАЛЮТНЫХ ОПЕРАЦИЙ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Юсупов Азиз Шухратович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация: в данной статье речь пойдет о теоретических основах формирования практики проведения валютных операций в коммерческих банках и совершенствовании анализа и перспективах развития существующих проблем. В статье также представлена связь между валютными операциями и прибыльностью банковского сектора с существующими проблемами при внедрении использования в экономику Республики Узбекистан, а также авторские подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: валюта, валютная система, валютные операции, коммерческие банки, обменный курс, финансовые операции, коммерческие брокеры, валютная политика, обмен валюты, процентные ставки, кредитное плечо, доходность.

THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE INTRODUCTION OF ISLAMIC FINANCIAL SERVICES

Yusupov Aziz Shuxratovich

Tashkent State University of Economics

Abstract: this article will focus on the theoretical foundations of the formation of the practice of conducting foreign exchange transactions in commercial banks and improving the analysis and prospects for the development of existing problems. The article also presents the relationship between foreign exchange transactions and the profitability of the banking sector with existing problems when introducing them into the economy of the Republic of Uzbekistan, as well as the author's approaches and proposals to eliminate them.

Keywords: currency, currency system, currency transactions, commercial banks, exchange rate, financial transactions, commercial brokers, currency policy, currency exchange, interest rates, leverage, profitability.

Кириш. Валюта операциялари ва банк секторининг рентабеллиги ўртасидаги боғлиқлик тижорат банклари фаолиятида ҳамда мамлакат иқтисодиётида долзарб муаммо бўлиб, бу ҳолат тадқиқотчилар, иқтисодчилар ва сиёсатчиларнинг эътиборини тортишда давом этмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари валюта ислохотларининг гувоҳи бўлишди, бу эса мамлакатлар ўртасидаги валюта курсларининг фарқи туфайли миллий валютанинг қадрсизланишига олиб келади.

Жаҳон амалиётида валюта сиёсатидан тўлов балансини мувозанатлаштириш, миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш ва шунинг асосида давлатнинг ташқи иқтисодий позициясини барқарорлаштиришда кенг фойдаланилади. Айни пайтда, валюта сиёсати шаклларида фойдаланиш ва унинг самарадорлиги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда фарқ қилади. Чунончи ривожланган мамлакатлар дисконт сиёсати орқали капиталлар ҳаракатига сезиларли таъсир кўрсатгани ҳолда, ривожланаётган мамлакатлар валюта сиёсатини амалга оширишда асосан девиз сиёсати ва валютани тартибга солиш механизмларига таянади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177 – сонли Фармони амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислох қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган. Валюта курси сиёсатининг ташқи савдони рағбатлантиришдаги ролининг сусайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлари нархларининг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини пасайтирди [1].

Мамлакатимизда фақатгина бозор механизмлари асосида фаолият кўрсатадиган валюта бозорини шакллантириш барча банкларнинг мижозлар (юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар) эҳтиёжларини қондириш мақсадида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш учун валюта биржаси савдоларида эркин иштирок этишини, шунингдек, мижозларнинг чет эл валютасини сотиб олиш бўйича амалдаги тартиб ва техник регламентларига риоя этган ҳолда ўз валюта маблағларини ҳеч қандай чекловсиз тасарруф этишини тақозо этади.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили. Бугунги кунда дунёнинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, нуфузли халқаро молия-кредит ташкилотлари томонидан тижорат банкларида валюта операциялари амалиётини шакллантириш бўйича турли йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Н.Х.Жумаевнинг «Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш» номли монографиясида валюта муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш, хусусан, валюта назоратини самарали қўллашнинг методологик асослари чуқур тадқиқ қилинган ва асослаб берилган [2]. Фикримизча, Н.Х.Жумаевнинг валюта курси режимини қўллаб-қувватлаш мақсадида савдо балансининг ижобий сальдога эга бўлишини таъминлаш бўйича билдирган позицияси тўлов балансини тартибга солиш бўйича абсорбцион ёндашув қоидаларига мос келади. Чунончи, мазкур концепцияга мувофиқ, миллий даромад ва абсорбция ўртасидаги ижобий фарқини сақлаб қолиш ва оширишга давлат органлари томонидан катта эътибор қаратилади.

З.У.Бердиназаров девальвация ва экспорт эластиклиги ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилар экан, Ўзбекистонда узоқ йиллар мобайнида амалга оширилган «узлуксиз» девальвация сиёсати аксарият ҳолларда самарасиз бўлган, деган хулосага келади [3].

Бироқ, С.Чепель 1998-2003 йилларда реал алмашув курси ва экспорт динамикасини таҳлил қилиш асосида сўмнинг юқори суръатлардаги девальвацияси реал алмашув курсининг пасайиши ҳисобига экспортёрларга янада қулайроқ шароитларни таъминлаганлигини эътироф этади [4].

Н.Сирожиддинов 2017 йилга Ўзбекистонда амал қилган валюта режимини таҳлил қилар экан, унинг мамлакат савдо баланси мувозанатини таъминлашнинг энг оддий ва ишончли усули вазифасини ўташини, бироқ модернизация, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, иқтисодий таркибий қайта қуриш жараёнларини чекловчи бош омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлаган [5].

Таниқли рус иқтисодчи олими Л.Н.Красавинининг фикрича, валюта сиёсати қуйидаги тўрт йўналишларни қамраб олган ҳолда комплекс амалга оширилиши керак: курс сиёсати самарадорлиги ошириш; халқаро резервларни бошқаришни такомиллаштириш; валютани тартибга солиш самарадорлигини ошириш; миллий валютанинг байналминаллашувини кучайтириш [6]. Бундан ташқари, О.В.Хмыз томонидан валюта сиёсатининг шакллари сифатида валютавий чекловлар, миллий валюта конвертирланиши даражаси ва курс режимини тартибга солиш, валюта интервенциялари, олтин-валюта захираларини бошқаришга асосий урғу берилган [7].

1970-йилларга келиб валюта курсларини аниқлашда «товарли ёндашув»дан «активли ёндашув»га ўтиш кузатилди. Бироқ, Р.Миз ва К.Рогоф ўз илмий тадқиқотларида активли ёндашувга асосланган моделлар етакчи валюталарнинг алмашув курси тебранишини изоҳлаб бера олмаслиги асослаб беришди. Кейинчалик Р.Миз активли ёндашув асосида моделлаштиришни умумлаштирган ҳолда «амалдаги моделларга асосланган валюта курсидаги тебранишларнинг улуши нолга тенг эканлигини қайд этади» [8].

Умуман олганда, валютани тартибга солишга ҳаддан зиёд маъмурий аралашув, ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда иқтисодийнинг айрим тармоқлари ва хўжалик юритувчи субъектлари учун алоҳида имтиёз ва преференциялар мавжудлиги оқибатида тадбиркорлик субъектлари ўртасида бизнесни юритишга доир тенг бўлмаган шарт-шароитлар пайдо бўлмоқда ҳамда параллел чет эл валютаси бозори ва айирбошлаш курси вужудга келмоқда.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида тижорат банкларида валюта операциялари амалиётини шакллантиришнинг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб, тегишли хулосалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда, юридик шахслар ўз маблағларини банкларда жорий халқаро валюта операцияларини, шу жумладан, товар, иш ва хизматлар импорти, фойдани репатриация қилиш, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характерига эга бўлмаган операцияларни амалга ошириш учун чет эл валютасига чекловларсиз эркин конвертация қилишлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни банклардаги ҳисобварақлар орқали амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бозор курсида чет эл валютасини сотиб олиш имкониятининг яратилиши «яширин» иқтисодийнинг қисқаришига ва пул маблағларини банк айланмасига жалб қилишга хизмат қилади.

Жисмоний шахслар ҳам тижорат банкларининг конверсион бўлимларида чет эл валютасини эркин сотиб олиши, сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиб, улардан хорижда ҳеч қандай чекловларсиз, шу жумладан, банк ҳисобварақлари орқали хорижда ўқиш, даволаниш ва бошқа мақсадлардаги тўловлар учун фойдаланиши мумкин.

Халқ истеъмол товарларини импорт қилиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар банклардаги ҳисобварақларида савдо тушумини ва бошқа даромадларини жамғариб борган ҳолда кейинчалик уни жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, яъни сотиб олинган валюта маблағларини халқаро тўлов карталарига ўтказиш ва чет элда чекловларсиз, шу жумладан, товарларни импорт қилиш учун ишлатиши мумкин.

Аҳолидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш тижорат банкларининг барча филиал ва минибанклари томонидан чекланмаган миқдорда ва сарсонгарчиликсиз амалга оширилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида 2023 йил якунига кўра, пул ўтказмалари ўрта муддатли тренд даражасига қайтиб, 11,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу пасайиш юқори база эффекти, қисман меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи асосий мамлакатлар валюта курсларининг қадрсизланиши ҳамда меҳнат миграцияси оқимининг бироз қисқариши билан изоҳланади. Юқорида таъкидланган фундаментал омиллар таъсирида 2023 йилда миллий валюта курси қадрсизланиши 9,8 фоизни ташкил этди. Шунингдек, 2023 йилнинг IV чорагида реал

самарали алмашув курси индекси мўътадил пасайишда давом этиб, 2023 йил бошига нисбатан 0,8 фоизга мустаҳкамланди.

Бу асосий савдо ҳамкорлар валюта курслари мустаҳкамланиши ва улардаги инфляцион жараёнларнинг тезлашиши билан изоҳлаш мумкин.

Хусусан, жисмоний шахслар муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган номинал фоиз ставкаси декабрь ойида 21,5 фоизни ташкил этган бўлса, аҳолининг инфляцион кутилмаларини инобатга олган ҳолда ҳисобланган реал фоиз ставкаси 7 фоиз доирасида шаклланди.(1-расм.)



1-расм. Миллий валютадаги муддатли депозитлар фоиз ставкалари¹

Муддатли депозитлар бўйича шакланган юқори номинал ва реал фоиз ставкалари депозитлар ҳажмининг юқори ўсишига хизмат қилди. Хусусан, 2023 йилда аҳоли муддатли депозитлари 43,7 фоизга, шу жумладан, миллий валютадаги қисми 1,5 барбарга ўсди.

Бугунги кунда Марказий банк томонидан ички валюта бозорини янада такомиллаштириш ва курс шаклланишида иштирокчилар ролини ошириш бўйича ўрта муддатли истиқболда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, бугунги кунда, Марказий банк ички валюта бозорининг

¹ <https://cbu.uz/> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

асосий иштирокчиси бўлиб, валюта таклифини таъминлашдаги роли юқори ҳисобланади. Бироқ, ички валюта бозорини ривожлантириш жараёнида босқичма-босқич Марказий банк ролини камайтириш ва тижорат банкларининг маркет-мейкер (бозорни ташкил этувчи) ролини ошириш мақсад қилиб олинган.

Маркет-мейкерлар валюта бозорининг асосий иштирокчилари ҳисобланиб, бозор ликвидлигини оширишга ҳамда валюта таклифи ва талабини таъминлаш орқали мувозанатли валюта курсини аниқлашга ёрдам беради. Маркет-мейкерлик вазифасини бажарувчи банклар сонининг кўпайиши банклараро валюта бозори фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, Марказий банк бошқарувининг қарори билан 2021 йилнинг 15 февралдан бошлаб ички валюта бозоридаги амалиётлар бўйича қуйидаги ўзгартиришлар амалга оширилди:

1. Валюта курсини аниқлашда мавжуд фиксация қилиш (“fixing”) усулидан давомли аукцион – “matching” усулига ўтилди. Аксарият ривожланаётган давлатлар, шунингдек, инфляцион таргетлаш режимини жорий этган барча давлатлар савдоларни давомли аукцион (“matching”) усулида амалга оширади. Давомли аукцион усулида ички валюта бозорида валюта савдолари узоқроқ муддат давом этади, сотиб олувчи ва сотувчиларнинг нархлари ўзаро мувофиқ келган буюртмалари бўйича турли курсларда операциялар амалга ошиб боради ва бозор иштирокчиларининг курсни аниқлашдаги аҳамияти ортади. Марказий банк ҳам бозорнинг бир иштирокчиси сифатида ўз интервенцияларини амалга оширади. Бу усул валюта курси шаклланишида бозор тамойилларини кенгроқ жорий этиш, унинг тўлиқ талаб ва таклиф асосида шаклланишини таъминлаш ҳамда макроиқтисодий шароитларга мослашувчанлигини ошириш имконини беради. Мазкур ўзгартиришларга кўра валюта биржасида валюта олди-сотдиси бўйича савдо сессиялари соат 10:00 дан 10:30 гача “колл аукцион” усулида ҳамда соат 10:30 дан 15:00 гача узлуксиз аукцион “мэтчинг” усулида амалга оширилмоқда.

2. Марказий банкнинг расмий курсининг кунлик белгиланиши йўлга қўйилди. Ички валюта бозоридаги савдоларнинг “метчинг” усулига ўтказилиши натижасида валюта шартномалари турли валюта курсларида (банкларнинг ўзаро келишувлари асосида) тузилиши, савдолар тугагач кунлик ўртача валюта курсини аниқлаш заруриятини юзага келтирди.

3. Валюта олди-сотдиси бўйича ҳисоб-китоблар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Ички валюта бозоридаги валюта олди-сотди операциялари бўйича ҳисоб-китоблар T+0 (бугунги иш куни) шаклида, яъни тижорат банклари томонидан пул маблағларининг ўтказилиши шу куннинг ўзида амалга оширилган. Халқаро амалиётда ва валюта операциялари бўйича стандартларда ҳисоб-китобларни амалга оширишда T+1 (кейинги иш куни) ва T+2 (кейинги иккинчи иш куни) шакллари кенг қўлланилиб келинади ва бу тижорат банкларига валюта бозорида эркин савдо қилиш ва ўз ликвидликларини савдо натижаларига кўра шакллантириш имконини беради.

4. Тижорат банкларига ички валюта бозорида эркин савдо қилиш имконияти берилди. Тижорат банкларининг ички валюта бозорини янада ривожлантиришдаги, хусусан, валюта курсини аниқлашдаги ролини ошириш мақсадида, тижорат банкларининг мижозлар номидан банклараро валюта савдосида қатнашиш

амалиётидан воз кечилди ва уларга ўз очиқ валюта позициялари доирасида чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш имкониятлари яратилди. Давомли аукцион усулида тижорат банкларига очиқ валюта позициялари доирасида ички валюта бозорида хорижий валютани эркин сотиш ёки сотиб олиш имкониятининг берилиши уларнинг валюта курсини аниқлашдаги иштирокини рағбатлантиради ва мувозанатли валюта курси шаклланишига ёрдам беради.

5. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган валюта интервенциялари стратегияси” тасдиқланди. Стратегия ўз ичига Марказий банк валюта интервенцияларининг асосий тамойиллари, мақсад ва вазифалари, интервенция шакллари ҳамда у соҳадаги коммуникацион жараёнларни қамраб олади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сўнги пайтларда хорижий валютадаги депозитлар бўйича мажбурий захира талабномаларини ошириш орқали депозитлар долларлашуви муҳити жозибадорлигини пасайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Хусусан, 2 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган хорижий валютадаги депозитларга нисбатан мажбурий захира ставкаси 2018 йилда 0%ни ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг 1 июлидан бошлаб, муддатидан қатъий назар, хорижий валютадаги депозитларга мажбурий захира ставкаси 14% этиб белгиланди. 2021 йилнинг 5 августидан бошлаб, миллий валютадаги депозитларга нисбатан мажбурий захира ставкаси ўзгаришсиз қолдирилгани ҳолда, хорижий валютадаги депозитларга нисбатан мажбурий захира ставкаси 18 %га оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

Хорижий ва миллий валютадаги депозитларга нисбатан мажбурий захира талабларининг ўзгариши²

Мажбурий валютаси	Муддати	01.01.2018 ҳолатига		01.10.2018 йилдан бошлаб	01.07.2019 йилдан бошлаб	05.08.2021 йилдан бошлаб
		Жисмоний шахслар учун	Юридик шахслар учун			
Миллий валюта	2 йилдан ортиқ	0%	0%	0%	4%	4%
	1 йилдан 2 йилгача	2%	7%	2%		
	Бошқа депозитлар	4%	14%	4%		
Чет эл валютаси	2 йилдан ортиқ	0%	0%	0%	14%	18%
	1 йилдан 2 йилгача	3%	8%	7%		
	Бошқа депозитлар	6%	16%	14%		

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилган

Ушбу сиёсат орқали Марказий банк тижорат банкларининг хорижий валютадаги ресурслари ҳажмини қисқартиришга ва шу орқали иқтисодиётдаги хорижий валютада кредитлаш ҳажмини қисқартиришни кўзда тутди.

Фикримизча, хорижий валютадаги давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг оғирлашиши фискал рискларнинг кучайишига ва пировардида тизимли риск муаммоларини келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, молиявий долларлашув юқори бўлган шароитларда валюта курсининг ўзгариши (миллий валютанинг қадрсизланиши) хорижий валютадаги мажбуриятларни бажара олмаслик оқибатида тизимли банк инқирозларига сабаб бўлиши мумкин. Айти пайтда, алмашув курсининг доимий пасайиш тенденцияси аҳолининг Марказий банк салоҳиятига ва шу орқали миллий валютага нисбатан ишончи пасайишига сабаб бўлаётганлигини ҳам ёдда тутиш зарур. Чунки ривожланаётган мамлакатларда инфляция суръатлари юқорилиги боис, миллий валютанинг жамғарма воситаси функциясини бажариши қийин кечади ва бу функцияни ўринбосар сифатида барқарор етакчи валюталар (асосан АҚШ доллари ва евро) бажара бошлайди. Аҳоли жамғармаларини миллий банк тизими депозитларига хорижий валютада жойлаштиришни афзал билади. Натижада банк сектори мажбуриятларининг долларлашуви авж олади.

Хулоса. Инфляцион таргетлаш режимига ўтиш шароитида долларлашув муаммоси курс барқарорлигини сақлаб қолишни мураккаблаштириши мумкин. Хусусан, истеъмол нархлари индекси саватига кирувчи товарлар таркибида импорт қилинадиган ёки хом-ашёси импорт қилинадиган товарларнинг мавжудлиги инфляция суръатини пасайтиришга салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, банк сектори пасивлари таркибида хорижий валютадаги депозит ва мажбуриятларнинг юқорилиги шароитида уларга хизмат кўрсатиш учун хорижий валютага нисбатан доимий ўсиб боровчи талаб юзага келади. Бундан ташқари, мамлакат ташқи қарзи ҳажмининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги, ташқи қарзга хизмат кўрсатишда хорижий валютага талабнинг сезиларли ошишига олиб келади.

Миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллик даражаси ва девальвацион кутилмалар юқори бўлган шароитда тижорат банкларининг очиқ валюта позициялари ҳолатининг ёмонлашишига йўл қўймаслик мақсадида, биринчидан, тижорат банкларининг спот ва форвард операциялари ҳажмини ошириш орқали ҳар бир хорижий валютадаги қисқа ва узун валюта позициялари миқдорларини ошиб кетишига йўл қўймаслик керак; иккинчидан, тижорат банки ва Марказий банк ўртасидаги валютаси своп операцияларининг банкларнинг очиқ валюта позицияларини қисқартиришдаги аҳамиятини ошириш керак.

Ғарб мамлакатлари банк амалиётида кенг қўлланилаётган блокчейн технологияларини мамлакат банклари амалиётига жорий қилиш йўли билан валюта операциялари билан боғлиқ бўлган конфиденциал маълумотларни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177 – сонли Фармони

2. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. «Fan va texnologiya», 2007 й. – 232 б.
3. Бердиназаров З.У. Валюта сиёсати методологиясини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари. Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2018. – 254 б.
4. Чепель С.В. Либерализация валютного рынка в Узбекистане и перспективы укрепления потенциала экономического развития. URL: <http://www.uzbearingpoint.com/files/2/a13.pdf>.
5. Sirajiddinov, N. (2017) "Currency regime of Uzbekistan: goals, consequences, ways to improve," International Relations: Politics, Economics, Law: Vol. 2017: Iss. 1, Article 8. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/intrel/vol2017/iss1/8>
6. Красавина Л. Н. Концептуальные подходы к проблеме модернизации международных валютных, кредитных, финансовых отношений России в аспекте современных мировых вызовов // Деньги и кредит. 2014. № 10. – С. 47-49.
7. Хмыз О.В. Мировая валютная система и курсы валют: учеб. пособие / И.П.Васильева, О.В. Хмыз. – М.: МГИМО-Университет, 2008. – 128 с.
8. Meese R. Currency Fluctuations in the Post-Bretton Woods Era. – Journal of Economic Perspectives, 1990, vol.4, p. 117-134.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

